

## ТАЪЛИМ ИСЛОХОТЛАРИ- ДАВР ТАЛАБИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7503976>



Чубоева Озодахон  
Наманган давлат университети катта ўқитувчиси

Хусаинов Рауф  
Наманган давлат университети катта ўқитувчиси



ELSEVIER



Received: 03-01-2023

Accepted: 04-01-2023

Published: 22-01-2023

**Abstract:** Мақолада Ўзбекистон Республикасида сўнгти йилларда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, педагогларнинг меҳнати, қадрига бўлаётган эътибор, олий таълим тизимидағи ижобий ўзгаришлар тўғрисида фикрлар билдирилган. Ушбу ислоҳотларни амалга оширишда давлат раҳбарининг ижобий ҳаракатлари таҳлил этилган

**Keywords:** Президент, таълим, Ўзбекистон, халқ, Мурожаатнома, инсонга эътибор, сифатли таълим йили, таълим сифати, тараққиёт, тўғри йўл, концепция, фармон, мамлакат, илм-фан, соҳа, интеллектуал тараққиёт, рақобатбардош кадр, инновация, халқаро ҳамкорлик, интеграция

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Президентимиз, томонидан таълимга берилган эътибор шу даражада кучли -ки, 2022 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига Мурожаатномасида, янги, 2023 йилга юртимизда «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили<sup>9</sup>», деб ном берди, Мурожаатномада -“ Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир”, -деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, Шавкат Миromonovich Mirziyev томонидан олиб борилган ислоҳотлар таълимни босқичма-босқич юқори даражага кўтармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги ЎРҚ-576-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон Фармонлари мамлакатимизда таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантириш йўлида муҳим аҳамиятта эга. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”<sup>10</sup>ги қонуни 2020 йил 23 сентябрь куни қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу хужжатларга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари

<sup>9</sup> Мирзиёев Ш. Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома. Тошкент., 2022 йил 20 декабрь

<sup>10</sup> Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 24.09.2020-y., 03/20/637/1313-son

вазифалар асос қилиб олинди. Концепция мазмуни мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради. Унда олий ўкув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёштарни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўплаб аник йўналишлар белгилаб берилган. Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қиласди.

Инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини таълимга жорий этишга катта эътибор қаратиш масалаларига жиддий ёндашиш ва шу билан бирга, ўқитувчилар ойлигини ошириш ва рағбатлантириб бориш зарурлигини кўрсатди.

Ўзбекистон олий таълим соҳасида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Билим даргоҳларининг қиёфаси ўзгариб, моддий-техника базаси яхшиланяпти, илмий ишланмаларни молиялаштириш ва ижтимоий қўллаб-куватлаш кучайтирилмоқда, жумладан, профессор-ўқитувчиларнинг даромадлари ҳам ортаяпти. Инновация йўналишидаги алоҳида давлат тузилмалари ташкил этилиб, олий ўкув юртларида ҳам янги бўлинмалар очилмоқда.

Буларнинг барчаси олий таълимга бўлган ёндашувни ўзгартириб, унинг сифати ҳамда даражасини кўтаришга хизмат қилиши аник.

Олий таълим ислоҳотларининг маҳсули сифатида мамлакатимизда олий маълумот олмоқчи бўлган ҳар қандай фуқаро учун имкониятлар эшиги очилди. Аниқроқ айтганда, ёшидан қатъи назар, олий маълумотни кундузги, кечки ва ситки таълим шаклида олишга шароит яратилди. Яъни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ёши, миллати ва элатидан қатъи назар, ўзининг Конституцион хукуқларидан тўлик фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бундан ташқари, меҳнат стажи, иш тажрибасига эга бўлган фуқаролар ўзлари ишлаётган корхонанинг юқори ташкилотлари тавсияси билан имтиҳонсиз, сухбат асосида олий ўкув юргига кириш имкониятини қўлга киритди. Жумладан, камида 5 йил иш стажига эга ходимларини 2021/2022 ўкув йилида давлат ОТМларининг сиртқи ва кечки таълим шаклига ўқишига кириши учун Республикаиздаги 71 та ташкилотга тавсия бериш хукуки берилди.

Улар томонидан берилган йўлланмага кўра, ишловчи ходимлар имтиҳонсиз, сухбат натижаларига кўра, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишига тавсия этилиш қоидасининг киритилиши халқимиз учун

кутилмаган янгилик бўлди. Ҳар бир ташкилот 100 тагача ходимига шундай йўлланма бериши мумкинлиги ҳам қайд этилди.

Олий таълим ислоҳоти, фуқароларнинг олий таълим олиш ҳуқуки тўғрисида гап борар экан, ўрта мактаб ва коллежлар битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш масаласи ҳам ечимини кутаётган ўткир муаммолардан эди. Хозирда бу ўз ечимини топди.

Олий таълим ислоҳотларининг муҳим қирраларидан яна бири ёшлиаримизнинг бир вақтда бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш масаласи эди. Мамлакатимизда анча йиллардан буён фаолият юритаётган хорижий олий таълим масканларининг қабул жараёнига ҳавас билан қараб келар эдик. Зоро, бир вақтнинг ўзида мамлакатимиздаги ҳамма хорижий олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш мумкин эди. Бу ҳолат бизни ҳам ҳайратга солар, ҳам ҳавасимизни келтирган. Президентимиз айнан ана шу масалада “Ёшлиаримизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятини беришимиз, ўйлайманки, уларнинг таълим олиш ҳуқукларини кенгайтиришга хизмат қиласи”, – деб таъкидлаган эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай ёшлиаримиз шундай имкониятга эга бўлишди.

Сўнгти йилларда олий таълим тизимида нодавлат ва хусусий секторнинг, шунингдек, кўплаб хорижий олий ўқув юртлари ва филиалларининг кириб келиши ижобий ҳолат бўлди. Бир жихатдан олий таълимнинг қамрови кенгайса, иккинчидан, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида ижобий маънодаги ўзаро рақобатни таъминлайди, тизимда бозор қонунлари ишлай бошлайди.

Президентимиз таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асосчиси сифатида, - “бошлаган ислоҳотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргалиқда ҳал этишимиз керак”, деб қайд этиб ўтдилар.

Навбатдаги ислоҳот сифатида, Президент, янги маъмурий ислоҳотлар тўғрисидаги Фармон<sup>11</sup>ни имзолади.

Барча соҳалар каби таълим соҳасидаги ислоҳотлардан бири, Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигидаги ўзгаришлар ҳисобланади. Яъни, вазирликлар бирлаштирилди, жумладан таълим вазирликлари ҳам мақбуллаштирилди. Хусусан, олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги мақбуллаштирилиб, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига айлантирилди.

Президентимиз, -“Вазирларнинг Ҳукумат қабул қилаётган қарорларда, таъбир жоиз бўлса, «овози йўқ». Яъни, уларнинг ушбу қарорларни тайёрлаш

<sup>11</sup> Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.12.2022 й., 06/22/269/1117-сон

ва ҳаётга жорий этишдаги иштироки ва масъулияти етарли эмас. Энди вазирларнинг бундай эскича усулда ишлашга ҳаққи йўқ... Ўз соҳасининг чуқур билимдони, фидойи ва ишидан халқ рози бўлаётган вазирлар лавозимида қолади. Ўйлайманки, бундай ёндашув адолатли бўлади<sup>12</sup>, - деб айрим вазирликлар фаолиятига танқид билдирилар.

Президентимиз томонидан педагогларга шароитлар яратиш ва уларни кадрлаш борасида донишманларча фикр билдирилди, “биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратамиз. «Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади».

Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўzlари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айтаниши керак. Шу боис, мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарур, деб ҳисоблайман-деб таъкидләди, давлатимиз раҳбари.

Президент ислохотларни ҳаётга тадиоқ этишда педагогларга-“Янги Ўзбекистонда мактаб жамоалари ва муаллимларининг масъулияти – айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлади. Ва мен ишонаман – сиз, жонкуяр ўқитувчиларимиз бу вазифани шараф билан уддалайсизлар”-дека ишонч билдириди.

Таълим соҳасидаги ҳар бир педагог, ҳар бир ҳодим, жамиятнинг илмга интилган зиёлиси Президентимиз ҳаракатларини қўллаб –қувватлаши, ўзини масъулиятини хис этган холда ҳаракат қилиш даври келди.

Эндилиқда ҳар бир педагог, таълим блогеридек ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ. Илм талабгорлари эса, ўзи танлаган соҳада педагог билан ҳамкор бўлиши керак, токи мамлакатимизда шарқ қомусий олимлари уйғониш даври тарихи хозирда ҳам давом этаётганини дунё хис этиши керак.

## **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1.Мирзиёев Ш. Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига  
Мурожаатнома.Тошкент., 2022 йил 20 декабрь

<sup>12</sup> Мирзиёев Ш. Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома.Тошкент., 2022 йил 20 декабрь

2.Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 24.09.2020-y., 03/20/637/1313-son.

3.Қонунчилік маълумотлари миллий базаси, 24.12.2022 й.,  
06/22/269/1117-сон

4.Chuboyeva Ozodaxon . Абұ Бакр Косоний и его трудов в педагогике.  
Научный журнал. Учёный XXI ВЕКА.2020 год ISSN 2410-3586 .85-89 .

5.Chuboyeva Ozodaxon. The importance of “Kazilik adabi” in Abu Bakr Kasani’s work “ Badoi-us-sanoe” International Scientific Journal ISJ Theoretical& Applied Science Philadelphia, USA issue 01, volume 81 published January 30, 2020